

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

КАРАЕВ ҒУЛОМ РУСТАМОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИДА
СОЯНИ ҚЎШҚАТОР УСУЛИДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УЎТ: 632.98:631.531.04:635.655/631.445.56(575.192)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation on
agricultural sciences**

Қараев Ғулом Рустамович

Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқларида сояни қўшқатор усулида
етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Қараев Гулям Рустамович

Разработка технологи выращивания сои двухстрочным способом на
сероземно-лугвых почвах Джизакской области..... 21

Karayev G'ulom Rustamovich

Development of a technology for growing soybean using double row seeding
method in meadow sierozem soils of Jizzakh region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

КАРАЕВ ҒУЛОМ РУСТАМОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИДА
СОЯНИ ҚЎШҚАТОР УСУЛИДА ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.01–Умумий дехқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx488 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намозов Фазлиддин Бахромович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ризаев Шухрат Худойбердиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Хатамов Салимжон Рахимжон ўғли
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Шоличилик илмий тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент Давлат Аграр Университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2022 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (99871) _____; факс: (+99871) _____; e-mail:tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, _____ қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент Давлат Аграр Университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

У.Норқулов,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д.,
профессор.

А.А.Иминов,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.д., катта илмий ходим.

М.Э.Аманова,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, в.б,
қ.х.ф.д., катта илмий ходим.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё деҳқончилигида соя экинининг маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги ўсиши экин майдонларининг кенгайиши ва ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига таъминланиб, сўнги ўн йил ичида соя майдонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,7 фоизни ташкил этмоқда. “Дунёда 2020/21 йилларда соя экилган майдон 130,4 миллион гектарни ташкил этиб, ундан ўртача 29,0 ц/га (+ 10%) дон ҳосили олишга эришилмоқда. Соя дунёнинг 90 мамлакатида етиштирилиб, АҚШ (35,5%), Бразилия (32,7%) ва Аргентина (15,4%;%) давлатларида экспорт улуши юқори ҳисобланади”¹. Шунинг учун ҳам кўпгина давлатларда соя ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун етиштириш технологиясини босқичма босқич такомиллаштириб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунё деҳқончилигида соя парваришlashда тупроқ иқлим шароитларидан келиб чиқиб асосий, такрорий ва ҳамкор экин сифатида қатор ораси турлича қилиб парваришланади. Навлар янгилааниши, муайян ҳудуд учун мослаштирилиши, тупроқ намлигига талаби, озиклантиришни мақбуллаштирилиши ҳисобига гектаридан олинadиган ўртача дон ҳосилдорлиги ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис турли тупроқ-иқлим шароитларида соя навларидан барқарор ҳосил етиштиришда унинг мақбул экиш тизимларини ва суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида “...озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, йўл хариталарини ишлаб чиқиш, соянинг маҳаллий ва хорижий навларини асосий экин сифатида тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириш, бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳамда етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш” бўйича муҳим вазибалар белгиланган². Бу борада соя навларидан барқарор юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда кўшқатор усулида парваришlash агротехнологияларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазибаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 14

¹<https://yogmoy.uz/ru/post/view?slug=soa-bozorining-202021-jil-mavsumi-prognozi-rossia-va-zaon>, <https://foodsmi.com/a1184/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853 сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони.<https://lex.uz/docs/4567334>

мартдаги ПҚ-2832-сон “2017-2021 йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соя навларини асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш, экиш тизимлари, суғориш тартиблари ҳамда уларнинг етиштириш агротехнологияларини ўрганиш бўйича хорижда Г.Бондер, Г.Лавриненко, Л.Николаевич, С.Miranda, J.Vonk, M.Bermudez, R.Matthew, N.Kellar, республикамизда Х.Атабаева, А.Кўчқоров, Д.Ёрматова, Б.Халиков, З.Ҳафизова, У.Нематов, Г.Шадиева, Б.Саимназаров, И.Абитов, О.Сотторов, З.Исламовалар томонидан бир қатор илмий-тадқиқот ишлар олиб борилган.

Аммо, Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида соя навларини асосий экин сифатида етиштириш агротехника элементлари, хусусан кўшқатор усулида экиш тизимлари ҳамда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг тадқиқотлар олиб борилган муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-ҚХ-2019-344. “Республиканинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида асосий экин сифатида етиштириладиган соя навларини мақбул экиш схемалари ва муддатларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида сояни асосий экин сифатида кўшқатор усулида парваришланишнинг мақбул экиш тизими, кўчат қалинлиги ҳамда суғориш тартибларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соя навларини кўшқатор усулида етиштиришда экиш тизимлари ва суғориш тартибларини тупроқни ҳажм массаси, ғоваклиги, макросруктураси ҳамда сув ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш;

кўшқатор усулида соя навларининг экиш тизимлари ва суғориш тартибларини тупроқни агрохимёвий хоссаларини ўзгаришига таъсирини аниқлаш;

соя навларини экиш тизимлари ва кўчат қалинликларига боғлиқ ҳолда суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш муддати, меъёри ва бир центнер дон ҳосили учун сарфланадиган сув сарфини ўрганиш;

кўшқатор усулида парваришланган соя навларининг униб чиқиш

динамикаси ва кўчат қалинлигини аниқлаш;

соя навларини кўшқатор усулида турли экиш тизимларида етиштиришнинг уруғларни униб чиқиш динамикасига, ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичларини ўзгаришини тадқиқ қилиш;

кўшқатор усулида соя навларини парваришланишнинг ўсимликларни илдиз-ангиз қолдиқлари ва улар орқали тупроққа қайтган озика моддалар миқдорига таъсирини аниқлаш;

кўшқатор усулида парваришланган соя навларининг экиш тизимлари ва суғориш тартибларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари, соянинг “Ўзбекистон-6”, “Севинч” ва “Селекта 201” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети соя навларини кўшқатор усулида етиштириш технологияси, тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссалари, суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш тартиблари, суғориш муддат ва меъёрлари, экиш тизимлари, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотларда дала тажрибаларини жойлаштириш, фенологик кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ намуналари ва ўсимликлардаги агрохимёвий таҳлиллар “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Дон сифат кўрсаткичларидан оксил миқдори Кьельдаль услуби бўйича, мойдорлиги (мойсизлантириш) куйдириш орқали аниқланган. Олинган натижаларнинг математик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кўшқатор усулида сояни “Севинч” ҳамда “Селекта-201” навларидан юқори дон ҳосили етиштириш учун 90х(60х30)х8х2 экиш тизимларида 500-550 минг туп/га кўчат қолдирилиб, 70-75-70% суғориш тартибида парваришлаш мақбул эканлиги аниқланган;

соя навларини кўшқатор усулида парваришлаш агротехника элементларини тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда 70-75-70% тартибида 60-65-65% суғориш тартибига нисбатан 0,2-0,3 г/см³, мавсум бошига нисбатан 0,9-0,11 г/см³ зичроқ бўлганлиги, микроорганизмлардан эса аммонификаторлар 70-75-70% тупроқ намлигида суғорилган вариантларда тупроққа хос $1,8 \times 10^7$ кое/г меъёрда бўлиб, мавсум бошига ва 60-65-65% суғориш тартибида суғорилган вариантларга нисбатан 1 тартибга ортганлиги аниқланган;

кўшқатор усулида экилган соя навларидан “Севинч” нави 90х(60х30)х12х2 экиш тизимида гектарига 350-370 минг туп қолдириб, ЧДНС

га нисбатан 70-75-70% тартибида суғорилганда бўйи 112,2 см, ҳосил шохи 2,4 дона ва дуккаклар сони 52,5 дона, “Селекта-201” навида эса бўйи 90,4 см, ҳосил шохи 2,4 дона ва дуккаклари сони 51,4 донани ташкил этгани аниқланган;

энг юқори дон ҳосилдорлиги соянинг “Севинч” навида суғоришни ЧДНС га нисбатан 70-75-70% да гектарига 500-550 минг туп кўчат қолдириб парваришланганда олиниб, 90х(60х30)х12х2 экиш тизимида 350-370 минг туп/га кўчат қалинлигига нисбатан 3,5 ц/га, назорат навга нисбатан тегишлича 6,3; 8,0 ц/га юқори дон ҳосили олинганлиги, “Селекта-201” нави бўйича ҳар иккала суғориш тартибларида ҳам 90х(60х30)х8х2 экиш тизимида 500-550 минг туп/га кўчат қалинлигида 3,1; 3,5 ц/га, суғориш тартиблари бўйича 70-75-70% суғориш тартибида 1,5-1,8 ц/га кўшимча дон ҳосили олинганлиги ҳамда мой миқдори 1,3-1,8 % га ортганлиги аниқланган;

кўшқатор усулида парваришланган соя навларини 90х(60х30)х8х2 экиш тизимида гектарига 500-550 минг туп кўчат қолдирилиб, ЧДНС га нисбатан 70-75-70% тартибида суғорилганда илдиз-анғиз қолдиқлари “Севинч” навида 4,27 т/га, “Селекта-201” навида эса 3,65 т/га бўлганлиги, “Севинч” навида умумий азот 67,6 кг/га, фосфор 28,0 кг/га ва калий миқдори 58,7 кг/га, “Селекта-201” навида умумий азот 54,5 кг/га, фосфор 22,6 кг/га ва калий 47,3 кг/га миқдорда тупроққа қайтиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагидан иборат:

кўшқатор усулида турли экиш тизимларида соя навлари парваришланганда кўчат қалинликлари 350-370, 500-550 минг туп/га, мақбул суғориш тартиби 70-75-70%, ҳар галги суғориш меъёрлари 535-545-425 м³/га, амал давомида 0-2-1 тизимида 3 маротаба суғориш мақбул эканлиги аниқланган;

кўшқатор усулида соянинг “Севинч” ҳамда “Селекта-201” навларидан юқори дон ҳосили етиштириш учун 90х(60х30)х8х2 экиш тизимида 70-75-70% суғориш тартибида параваришланганда тегишлича 38,2 ва 30,7 ц/га дон ҳосили олинган;

дон таркибидаги оқсил миқдори соя навларини 90х(60х30)х12х2 экиш тизимида 60-65-65% суғориш тартибида парваришланганда энг юқори бўлганлиги кузатилиб, “Севинч” навида 38,1% ва “Селекта-201” навида 37,0% бўлганлиги қайд этилган;

соя навларининг 1000 дона дон вазни бўйича энг юқори кўрсаткич 90х(60х30)х12х2 экиш тизимида гектарига 350-370 минг туп кўчат қалинлигида 70-75-70% суғориш тартибида парваришланганда “Севинч” навида 146,9 г га, “Селекта-201” навида шу суғориш тартибида 500-550 минг туп/га кўчат қалинлигида 152,4 г га тенг бўлганлиги аниқланган. Рентабеллик даражаси Севинч навини 90х(60х30)х8х2 экиш тизимида 500-550 минг туп/га кўчат қалинлигида энг юқори бўлганлиги кузатилиб, 96,6%ни ташкил этиб, Селекта-201 навида эса 56,8% бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория шароитларида тажриба ва таҳлиллар ўтказишда услубий қўлланмаларидан

фойдаланган ҳолда тадқиқот натижаларини дисперсли таҳлил усули билан математик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинганлиги ва илмий нашрларда чоп этилган, илмий мақолалар натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соя навларини кўшқатор усулида 90х(60х30)х8х2 ва 90х(60х30)х12х2 экиш тизимларида турли 500-550 ҳамда 350-370 минг туп/га кўчат қалинлигида суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда етиштириш, уларнинг мақбул суғориш меъёрлари, сони ва муддатларини ишлаб чиқиш орқали юқори дон ҳосили олишни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликлари экин майдонларида ер ва сувдан самарали фойдаланиш, соядан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда 90х(60х30)х8х2 ва 90х(60х30)х12х2 экиш тизимларида мақбул 70-75-70% суғориш тартибида парваришlash технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилояти ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кўшқатор усулида соя етиштириш технологияси ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

соя навларини кўшқатор усулида парваришlashда мақбул экиш тизимлари ва суғориш тартиблари юзасидан “Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кўшқатор усулида соя етиштириш технологияси бўйича тавсиялар” тасдиқланган (қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги №02/27-04/1087-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома республикадаги мавжуд фермер хўжаликлари ва кластерларида соя етиштириш учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кўшқатор усулида соянинг “Севинч” ҳамда “Селекта-201” навларини асосий экин сифатида гектарига 500-550 минг туп қолдирилиб, суғориш олди тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-75-70% суғориш тартибида парваришlash технологияси Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида 29,0 гектар, Зафаробод туманида 25,0 гектар ҳамда ПСУЕАИТИ Жиззах илмий тажриба станциясида 3,0 гектар майдонида жорий этилган (қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги №02/27-04/1087-сон маълумотномаси). Натижада, кўшқатор усулида асосий экин сифатида 90х(60х30)х8х2 экиш тизимида кўчат қалинлигини гектарига 500-550 минг туп қолдирилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-70% тартибида парваришланган соянинг “Севинч” навидан 34,2 ц/га ҳамда “Селекта-201” навидан 28,9 ц/га дон ҳосили олинган;

соянинг “Севинч” ва “Селекта-201” навларини асосий экин сифатида

кўшқатор усулида етиштириш технологияси Жиззах вилоятининг Пахтакор ва Зафаробод туманларида жами 57,0 гектар майдонга жорий этилган (қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 9 мартдаги №02/27-04/1087-сон маълумотномаси). Натижада, юқори иқтисодий самарадорликка эришилиб, рентабеллик даражаси соянинг “Севинч” навида 56,6 % ва “Селекта-201” навида 47,8 % га тенг бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва миллий маркази ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланиб, йиллик ҳисоботлар ПСУЕАИТИнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий натижалари республикада 2 та ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда жами 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома нашр этилган, шулардан илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган. Республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Соядан юқори ва сифатли барқарор дон ҳосили етиштириш агротехнологиялари бўйича адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида, мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётларда ўрганилган тадқиқотлар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, соядан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда экиш тизимлари, кўчат қалинлиги, суғориш тартиблари ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг таъсири борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари адабиётлар таҳлиliga асосланиб, соя навларининг мақбул агротехникасини ишлаб чиқишда Республиканинг турли тупроқ иқлим шароитлари бир-бирига таққосланиб, хулосалар қилинган.

Адабиётлар шарҳининг сўнгги саҳифасида Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида адабий маълумотларга кўра, соя навларининг мақбул ўсиши ва ривожланиши қўлланилган агротехник тадбирларнинг (кўшқатор усулида парваришlash, экиш тизимлар, ягана, кўчат калинликлари,) қай даражада ўтказилганлигига боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, сояни кўшқатор усулида экиш тизимлари ва суғориш тартибларининг самарадорлигига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг географик ўрни, тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, агротехник тадбирлар ҳамда тажрибада ўрганилган навлар тавсифи баён этилган.

Тадқиқотлар Жиззах вилояти механик таркибига кўра енгил кумоқ ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ўтказилган бўлиб, вилоятда майдони 20 фоизни ташкил этган. Агрокимёвий ҳолати тадқиқотлар олиб борилган йилларда далада тупроқнинг ҳайдов қатламида гумус 0,733-0,810%, нитратли азот 11,2-12,4, ҳаракатчан фосфор 30,2-32,5 ва алмашинувчи калий 280-346 мг/кг га тенг бўлган. Услубий қўлланмаларга кўра, тажриба олиб борилган дала тупроғи гумус ва фосфор билан кам, азот билан жуда кам даражада ҳамда калий билан эса юқори даражада таъминланган.

Жиззах вилояти иқлими кескин континентал, денгиз сатҳидан баланд жойлашган. Қиш ва баҳор ойлари ёғингарчиликнинг асосий қисми (80%) ёғиши кузатилади. Ёз ойларида ёғингарчилик жуда кам ёки кузатилмайди. Кўп йиллик маълумотларга кўра, ёз ойларида жами 11,6 мм ёки йиллик ёғин миқдорининг 3,6% тушади. Кўп йиллик ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 12,2⁰С, ёғинлар миқдори 190-425 мм. Иқлим кўрсаткичларига тоғ массивлари мавжудлиги катта таъсир этади. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 12-15⁰С ни ташкил қилади. Ўртача паст ҳарорат -19 дан -23⁰С гача, абсолют паст ҳарорат -28⁰С дан -37⁰С гача бўлади. Юқори ҳарорат +47⁰С гача бўлади. Тажрибада ўсимлик вегетацияси давомида олган самарали ҳароратлар йиғиндиси жами 2285 градусга тенг бўлди.

Тажрибада тупроқнинг агрофизикавий таҳлилларини ўтказишда «Методы агрофизических исследований» (Ташкент, 1973) қўлланмасидан фойдаланилди. Тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский усулида, С.Н.Рыжов усулида тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС), тупроқнинг донадорлиги, агрегатлик таркиби Н.И.Саввинов услуби бўйича, П.Долгов усулида тупроқ сув ўтказувчанлиги, суғориш олди тупроқ намлиги термостат тарози усулида, суғориш меъёрлари Чипполетти сув ўлчагичлари ёрдамида ўлчаб борилди.

Тупроқни агрокимёвий хусусияти «Методы агрохимических анализов почв и растений» (Ташкент, 1977) қўлланмаси асосида чиринди миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калийни алангали фотометрда П.В.Протасов усулларида, илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдорини тупроқ монолит усулида

аниқланган. Тупроқни микробиологик таҳлил қилишда тупроқ микробиологиясида умумий қабул қилинган усуллардан фойдаланилиб аммонификатор бактерияларини - ГПА озуқа муҳити, олигонитрофилларни - Эшби озуқа муҳити, микромицет ва актиномецетларни эса - Чапека қаттиқ озуқа муҳитларига экиб ўрганилди. Соя донидаги оксил микдори Къельдаль услуги бўйича аниқланган.

Илмий-тадқиқот ишларида асосий экин сифатида соянинг маҳаллий Севинч ҳамда хориждан келтирилган Селекта-201 навларини чекланган дала нам сиғимига нисбатан 60-65-65% ва 70-75-70% суғориш тартибларида қўшқатор усулида 90х(60х30)х8х2 ва 90х(60х30)х12х2 экиш тизимларида парваришланиб ўрганилди. Назорат сифатида маҳаллий Ўзбекистон-6 нави олиниб, юқорида келтирилган суғориш тартибларида яқка қаторда 90х8х2 экиш тизими ва қўшқаторда 90(60х30)х8х2 экиш тизимида экилди. Олинган маълумотларни аниқлиги ва ишончилиги Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» усули бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Қўшқатор усулида парваришланган сояни экиш тизимлари ва суғориш тартибларини тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда тажриба даласи қўшқатор усулида парваришланган соя навларини экиш тизимлари ва суғориш тартибларини тупроқнинг ҳажм оғирлиги, ғоваклиги, дондорлиги, сув ўтказувчанлиги, суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш меъёрлари, 1 ц дон учун сув сарфи ҳамда тупроқнинг агрокимёвий хусусиятларининг ўзгаришига таъсири, шунингдек, микробиологик хоссаларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда соя навларини турли суғориш тартибларида суғоришнинг тупроқнинг ҳажм массасига таъсири 2019 йил мисолида таҳлил қилинганда дастлаб тупроқнинг 0-30 см қатламида 1,22 г/см³ ни, ҳайдов ости қатламида тегишлича 1,30 г/см³ ни ташкил этган. Мавсум охирида Ўзбекистон-6 нави экилган 1-2 вариантларда тупроқ намлиги 60-65-65% тартибда суғорилган даланинг тупроқ ҳажм массаси 1,28 г/см³ га, 70-75-70% суғориш тартибида 1,30 г/см³, Севинч навида 1-суғориш тартибида тупроқнинг ҳайдов қатламида 1,29 г/см³ ни, 2-суғориш тартибида эса 1,31 г/см³ га, Селекта-201 навида тегишлича 1,30 г/см³ ни, 1,33 г/см³ни ташкил этган. (1-жадвал)

Тупроқнинг ғоваклиги ҳайдов (0-30 см) қатламида 53,1%га, мавсум охирида соянинг Ўзбекистон-6 нави экилган 1-2 вариантларда тупроқ намлиги 60-65-65% тартибида суғорилганда 51,7%га, 70-75-70% суғориш тартибида эса мавсум бошига нисбатан 3,11%га камайганлиги аниқланган. Севинч навида эса суғориш тартибларига мос равишда 1,77 ва 2,53%га, Селекта-201 навида эса бу кўрсаткич тегишлича 2,16%; 3,29% га камайганлиги кузатилган.

Тупроқнинг дондорлиги (макроструктураси) мавсум бошида 10 мм дан катта фракциялар тупроқнинг 0-30 см қатламида 23,4%ни, ҳайдов ости қатламида 24,2%ни, энг муҳим 10-0,25 мм гача бўлган фракциялар эса тупроқ

қатламларига тегишлича 72,4; 71,1 %ни, 0,25 мм дан кичик бўлган фракциялар миқдори энг кам 4,3; 4,8%га тенг бўлганлиги қайд этилган. Мавсум охирига келиб соянинг Севинч нави парваришланган вариантларда ҳайдов (0-30) қатламида 60-65-65% суғориш тартибида 10 мм дан катта фракциялар миқдори 24,4%, 10-0,25 мм фракциялар 71,9% ҳамда 0,25 мм дан кичик фракциялар 3,7 %ни, 70-75-70% суғориш тартибида тегишлича 25,1; 71,0; 3,9%га, ҳайдов ости қатламида 26,1; 69,6; 4,4%ни ташкил этиб, 60-65-65 % суғориш тартибига нисбатан 0,3; 0,5% 0,2%га ортганлиги аниқланган. Селекта-201 навида 60-65-65%да тупроқнинг ҳайдов қатламида 10 мм фракциялар 25%, 10-0,25 мм га тенг бўлган фракциялар 71,1%ни, 0,25 мм дан кичик бўлган фракциялар 3,9%ни, 70-75-70% суғориш тартибида эса бу кўрсаткичлар тегишлича 25,8; 70,4; 3,9%га тенг бўлганлиги аниқланган.

1-жадвал

Тажриба майдони тупроғининг хажм оғирлиги, г/см³

Вариант т/р	Тупроқ қатламлар, см	Амал даври бошида					
		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	0-30	1,22		1,24		1,23	
	30-50	1,30		1,32		1,31	
Амал даври охирида							
Суғориш тартиблари бўйича		60-65-65 %	70-75-70 %	60-65-65 %	70-75-70 %	60-65-65 %	70-75-70 %
1-2	0-30	1,28		1,29		1,30	
	30-50	1,34		1,36		1,36	
3-4	0-30		1,30		1,32		1,32
	30-50		1,37		1,37		1,37
5-6	0-30	1,29		1,28		1,29	
	30-50	1,36		1,35		1,36	
7-8	0-30	-	1,31		1,30		1,32
	30-50	-	1,38		1,37		1,38
9-10	0-30	1,30	-	1,29		1,29	
	30-50	1,36	-	1,35		1,36	
11-12	0-30	-	1,33		1,31		1,31
	30-50	-	1,39		1,38		1,39

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кузатувларнинг 1-соатида 313,0 м³/га тенг бўлиб, услубий қўлланмаларга асосан ўртача сув ўтказувчанлик қобилятига эга. Жами 6 соатда эса 834,0 м³/гани ташкил этган. Мавсум охирига келиб 60-65-65% суғориш тартибида 6 соат давомида Севинч навида энг юқори 688 м³/га, Селекта-201 навида бу кўрсаткич мос равишда 613 м³/га, 70-75-70 суғориш тартибида эса соя навларига тегишлича 617, 650, 602 м³/ни ташкил этган.

Суғоришлар оралиғи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60-65-65% тартибида суғорилган вариантларда 35 кунга, суғориш олди

тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-70% тартибида суғорилган вариантларда эса 23 кунга тўғри келган. Тажрибада (2019 й) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60-65-65% тартибида суғорилган соянинг “Ўзбекистон 6” навини ҳар суғоришда гектарига 680-495 м³, “Севинч” навида 714-470 м³ ва “Селекта 201” навида 655-465 м³/га, сув сарфланиб, мавсумий суғориш меъёри 1175-1184-1120 м³/га ни ташкил этди (2-жадвал).

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-70% тартибда суғорилган соянинг “Ўзбекистон-6” навида 475-485-390м³ “Севинч” навида 495-520-420м³ ва “Селекта-201” навида 485-495-400 м³/га сув сарф этилиб, мавсумий суғориш меъёри 1350-1435-1380 м³/га ни ташкил этган.

Тажриба даласида 1 ц ҳосил етиштириш учун сарфланган мавсумий сув миқдори Севинч навида энг кам сув сарфи (33,5 м³/ц) суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60-65-65 % тартибда кузатилган бўлса, 70-75-70 % суғориш тартибда (39,0 м³/ц) суғорилганда кузатилган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60-65-65% намликда кўчат қалинлиги 350-370 минг туп/га бўлган Селекта-201 навида 42,4 м³/ц, шу суғориш тартибида кўчат қалинлиги 500-550 минг туп/га бўлганда 38,2 м³/ц, 70-75-70% суғориш тартибида мос равишда 49,5 ва 45,5 м³/ц сарфланганлиги кузатилган.

2-жадвал

Суғориш муддатлари ва меъёрлари, м³/га 2019 й

Вар т/р	Суғори штартиб и,%	Кўрсаткичлар	Суғоришлар сони			Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
			1	2	3	
1	60-65-65	Суғориш муддати	05.VII	09.VIII	-	1175
		Суғориш меъёри, м ³ /га	680	655	-	
2		Суғоришлар оралиғи, кун	-	35	-	
3	70-75-70	Суғориш муддати	27.VI	20.VII	11.VIII	1350
		Суғориш меъёри, м ³ /га	475	485	390	
4		Суғоришлар оралиғи, кун	-	23	22	
5	60-65-65	Суғориш муддати	05.VII	09.VIII	-	1184
		Суғориш меъёри, м ³ /га	714	470	-	
6		Суғоришлар оралиғи, кун	-	35	-	
7	70-75-70	Суғориш муддати	27.VI	20.VII	11.VIII	1435
		Суғориш меъёри, м ³ /га	495	520	420	
8		Суғоришлар оралиғи, кун	-	23	22	
9	60-65-65	Суғориш муддати	05.VII	09.VIII	-	1120
		Суғориш меъёри, м ³ /га	655	465	-	
10		Суғоришлар оралиғи, кун	-	35	-	
11	70-75-70	Суғориш муддати	27.VI	20.VII	11.VIII	1380
		Суғориш меъёри, м ³ /га	485	495	400	
12		Суғоришлар оралиғи, кун	-	23	22	

Тажриба даласи тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичлари мавсум охирида, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 60-65-65 % суғорилганда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламида 1-2 вариантларда гумус миқдори 0,705-0,598 % ни, 5-6 вариантларда мос равишда 0,714-0,608 %, ва 9-10 вариантларда 0,724-0,619 % ни ташкил қилиб, суғориш олди тупроқ

намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-70 % тартибида суғорилганда 0-30 ва 30-50 см қатламида 3-4 вариантларда мос равишда 0,696-0,594 %ни ва 7-8 вариантларда 0,709-0,602% ни ташкил этган бўлса, 11-12 вариантларда гумус миқдори 0,711-0,605 % ни ташкил этган.

Ҳаракатчан шакллари Севинч навида назоратга нисбатан 1-суғориш тартибида тупроқнинг ҳайдов қатламида нитратли азот 0,2 мг/кг га, ҳаракатчан фосфор 0,6 мг/кг га ҳамда алмашинувчи калий эса 3,0 мг/кг га, 70-75-70 % суғориш тартибида 7-8 вариантда мос равишда 0,1-13 мг/кг га ортганлиги, шунингдек дастлабки ҳолатга нисбатан ҳам мутаносиб равишда 1,7; 1,4 мг/кг га кўпроқ, ҳаракатчан фосфор 0,2; 1,9 мг/кг га ва алмашинувчи калий эса 5,0; 17,0 мг/кг га камайганлиги аниқланган. Селекта-201 навида тупроқнинг 0-30 см қатламида 60-65-65% суғориш тартибида 12,8 мг/кг ни, 70-75-70% суғориш тартибига нисбатан 1,2 мг/кг га камроқ ўзлаштирилганлиги, мавсум бошига нисбатан таққослаганда 1,6 мг/кг га ортганлиги кузатишган.

Тупроқдаги микроорганизмлар мавсум бошида аммонификаторлар, фосфор парчаловчи бактериялар, олигонитрофиллар белгиланган меъёрдан 1 тартибга, актиномицидлар 2-3 тартибга паст бўлган. Фақатгина микромицидлар тупроқ учун хос бўлган меъёрдан 2-3 тартибга юқори эканлиги аниқланган. Мавсум охирида Севинч навини 70-75-70% тупроқ намлигида суғорилган вариантларда аммонификаторлар тупроққа хос меъёрда бўлиб, мавсум бошига ва 60-65-65% суғориш тартибида суғорилган вариантларга нисбатан 1 тартибга ортганлиги, актиномицидлар эса юқори суғориш тартибида 1 тартибга камайганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Экиш тизимлари ва суғориш тартибларининг кўшқатор усулида парваришланган соя навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида соянинг ўсиши ривожланиши, ўсув даври давомийлиги, соя навларининг биологик хусусиятларига турли қатор кенгликларда экиш тизимлари ва кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши баён этилган.

Тажриба даласида соя навларининг ўсиши ва ривожланиши 1-сентябр ҳолатига энг баланд ўсимлик бўйи “Ўзбекистон-6” навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 60-65-65 % тартибида суғорилиб, кўчат қалинлиги гектарига 250-270 минг туп қолдирилганда ўсимлик бўйи 148,7 см ни, ҳосил шохи 2,6 донани ва дуккаклари сони 56,4 донани, 70-75-70 % тартибида гектарига 250-270 минг туп кўчат қолдирилганда соянинг бўйи 141,6 см ни, ҳосил шохи 2,4 донани ва дуккаклари сони 49,2 донани ташкил этган. “Севинч” навида суғориш 70-75-70 % тартибида кўчат қалинлиги 350-370 минг туп/га қолдирилганда соянинг бўйи 112,2 см ни, ҳосил шохи 2,4 донани ва дуккаклари сони 52,5 донани, суғориш 60-65-65 % тартибида 350-370 минг туп/га кўчат қолдирилганда соянинг бўйи 96,8 см ни, ҳосил шохи 2,7 донани ва дуккаклари сони 47,4 донани ташкил этган.

Суғориш ЧДНС га нисбатан 60-65-65 % тартибида “Селекта 201” навида эса мос ҳолда 81,1-1,9-54,4 ни, суғориш 70-75-70 % тартибида 350-370 минг

туп/га кўчат қалинлигида эса соянинг бўйи 90,4 см ни, ҳосил шохи 2,4 донани ва дуккаклар сони 51,4 донани ташкил этган. Дуккаклар сони 500-550 минг туп гектарига кўчат қолдириб 60-65-65% суғориш тартибида парваришланганда 1 дона ўсимликда 24,4 дона, 70-75-70% суғориш тартибида 30,4 донани ташкил қилган бўлса, 350-370 минг туп/га кўчат қалинлигида тегишлича 4,4; 2,6 донага юқори бўлганлиги қайд этилган.

Соя навларининг пастки дуккаклари ер юзидан жойлашиш баландлиги Севинч навида суғориш олди тупроқ намлиги 60-65-65%, гектарига 350-370 минг туп/га қалинлигида тадқиқотнинг 1-йилида 8,3 см ни, 2-йилида 10,6 см ни, 500-550 минг туп/га қолдирилганда эса бу кўрсаткичлар мос равишда назоратга нисбатан 2,3 см га юқори бўлганли, 350-370 минг туп/га кўчат қолдириб 70-75-70% суғориш тартибида дуккаклар жойлашиш баландлиги уч йилда ўртача 11,5 см, 60-65-60% суғориш тартибида эса 9,6 см ни, кўчат 500-550 минг туп/га ортганда суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда тегишлича 15,4; 14,5 см ни ташкил қилган.

Кўчат қалинлиги тажрибада кўшқатор усулида экилган соя навларини назарий кўчат қалинлиги 250-270; 350-370; 500-550 минг туп/га қолдирилиб ўрганилган ҳақиқий кўчат қалинлиги (2019) 223,2 минг туп/га, юқори 70-75-75% суғориш тартибида 494,2 минг туп/га, ўртача 3 йилда эса 238,2 ва 502,1 минг/гани ташкил қилди. Кўшқатор усулида экилган Севинч навида суғориш олди тупроқ намлиги 60-65-65% тартибида 350-370 минг туп/га кўчат қолдирилган 5-вариантда ҳақиқий кўчат қалинлиги 344,8 минг туп/га бўлган бўлса, назарий кўчат қалинлиги 500-550 минг туп/га қолдирилган 6-вариантда ҳақиқий кўчат қалинлиги 497,2 минг туп/га бўлганлиги аниқланди. Юқори 70-75-70% суғориш тартибида бу кўрсаткичлар мос равишда 321,3 ва 504,1 минг туп/га бўлганлиги кузатилган.

Соя навлари дон ҳосилдорлиги, ц/га



Sd=0,80 ц НСР05=1,66ц НСР05%=1,82%, Sd=0,46 ц НСР05(A)=0,95ц НСР05%=1,05%
 Sd=0,57 ц НСР05(B)=1,18ц НСР05%=1,28%, Sd=0,57 ц НСР05(C)=1,18ц НСР05%=1,28%

3-расм. соя навларини ҳосилдорлиги

Соя навлари дон ҳосилдорлиги соянинг Севинч навида суғориш олди тупроқ намлиги 70-75-70% суғориш тартибида суғорилганда 500-550 минг туп/га кўчат қалинлигида уч йилда ўртача 38,2 ц/га, шу суғориш тартибида

